

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ СОДИҚ НОРЧАЕВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ИХТИСОСЛИГИ ТАЛАБАЛАРИНИ
КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМГА
ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy on pedagogical
sciences**

Юлдашев Содиқ Норчаевич

Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини креатив ёндашув асосида
технологик таълимга тайёрлаш методикаси.....3

Юлдашев Содиқ Норчаевич

Методика подготовки к креативному подходу к технологическому
образованию студентов направления начальное образование.....21

Yuldashev Sodik Norchaevich

Methods of preparation for a creative approach to technological education of
students of the primary education direction.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

Педагогика факультети буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида** № **И2020.3.PHD/Ped1841** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.qashghu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Аxbорот-таълим портали (www.ziyouz.net) манзилларига joyлаштирилган.

Илмий раҳбир:	Нуруллаева Шахло Устимовна педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Қаҳхаров Сиддик Қаҳхарович педагогика фанлари доктори, профессор Шарипова Дилора Джуманиязовна педагогика фанлари доктори, профессор
Етакти ташкилот:	Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университетини ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020 Ped.70.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил 17-август кунини соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кучаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+9987) 5221-00-56; e-mail: kardud@mail.uz).

Докторлик диссертацияси билан Қарши давлат университетининг Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кучаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardud@mail.uz).

Диссертация авторефератини 2021 йил 17-август кунини тарқатилди.
(2021 йил "17-август" кунини тарқатилди)



Р.Д.Шодиев
берувчи илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

Н.Б.Қамоллов
берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.д., (PhD) доцент

Х.О.Жураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий сессия раиси, п.ф.д., (DS), профессор

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.Phd/Ped1841 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуруллаева Шахло Уктамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қаххаров Сиддиқ Қаххарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс : (+9987) 5221-00-56; e-mail: kardu@mail.uz).

Докторлик диссертацияси билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс : (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.д., (PhD) доцент

Ҳ.О.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё таълим тизими илм-фан тараққиёти ва глобаллашув натижасида интеграциялашув жараёнини бошидан ўтказиш билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш омили вазифасини ҳам ўтамоқда. Замонавий таълим тизими бўлажак мутахассислардан илмий манбаларни ўзлаштириш, улардан педагогик жараёнда самарали фойдаланишни билиш билан бир қаторда, ҳар бир ўқув машғулотида, ҳар бир жараён субъектларига, таълим-тарбия механизмларига нисбатан креатив ёндашувни ҳам талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда бўлажак педагогларни ёш авлодда турмуш ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига оид дастлабки меҳнат кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи технологик таълим жараёнига креатив ёндашувга ва таълим инновацияларини яратишга тайёрлаш муаммоси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё педагогик таълим соҳасини такомиллаштиришга доир устувор йўналишлар белгилаб берилган бўлиб, жумладан малакали ва ижодкор педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, ўқув-тарбиявий жараён муаммоларининг ностандарт педагогик ечимларни топиш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивация асосида таълим сифатини ошириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Демак, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўлган технологик таълим жараёнига ўқитувчиларни креатив ёндашувга тайёрлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда амалга оширилаётган илмий педагогик ва методик тадқиқотлар доирасида бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида технологик таълим самарасини оширишга тайёрлаш имкониятлари яратилган бўлиб, бу борада креативлик ва инновацион тафаккурни шакллантиришда муҳим мезон вазифасини бажаради. “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, Республикамизда шу кунларда тубдан янгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда яратилган моддий-техник база бўлажак ўқитувчиларни технологик таълимга креатив ёндашувга тайёрлаш асосида изланувчанлик сифатларини шакллантириш учун хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда педагогик фаолиятга алоқадор бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс тафаккури, ижодкорлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни нуқтаи назаридан кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида мутафаккирлар ҳамда файласуф, тарихчи, психолог ва педагог олимлар асарлари ҳамда тадқиқотлари объекти бўлиб хизмат қилган. Жаҳонда креативлик муаммоси педагогик жараёнда шахс ижодий фаолиятини самарали ташкил этиш ва креатив маҳсулот яратишнинг асоси сифатида талқин этилади. Жумладан, хорижий олимлардан Л.М.Фридман, Р.Роу, Э.Де.Боно, Д.Ж.Гильфорд, Е.Торранс, К.Роджерс, А.Маслоу, Ф.Баррон, С.Стернберг, Т.Любард, Ч.Лэндри, К.А.Хеллер каби олимлар креатив қобилиятни шакллантириш масалаларини тадқиқ қилганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида шахс креатив фаолияти ва интеграцион машғулотлар ташкил этиш муаммосининг психологик ҳамда педагогик аспектларини А.В.Брушлинский, Б.З.Вульф, С.Д.Смирнов, Ю.Г.Круглов, В.А.Крутецкий, С.Л.Рубинштейн, Э.Г.Скибицкий, И.Ю.Скибицкая, К.А.Жолдасбекова, В.В.Мороз, Н.С.Лейтес, К.А.Торшина, В.Н.Дружинин, И.Ю.Кулагина каби олимлар тадқиқ этганлар. О.С.Царева, И.Б.Бичева, С.А.Михайлина каби олимлар эса олий таълим тизимида муаммоли маърузалар ташкил этиш борасида изланишлар олиб борганлар. Интеграциялашган машғулотлар ташкил этиш муаммоси эса Т.Г.Браже, В.А.Иванченко, Ю.А.Козловаларнинг тадқиқотлари масаласи сифатида ўрганилган.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдулла Авлоний ва бошқалар томонидан яратилган адабий ва илмий-ахлоқий асарларда шахс ижодкорлиги ва меҳнатсеварлиги баркамоллик

мезонлари сифатида ўрганилган.

Замонавий педагог ва психолог олимлардан Ш.Абдуллаева, Д.Н.Арзикулов, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин каби олимлар шахс креатив фаолияти ва креатив тафаккурини психологик жиҳатларини тадқиқ этган бўлсалар, Н.А.Муслимов, Н.Каримова, М.Турдиева, Н.Шермухамедова ва бошқа олимлар томонидан ёшларнинг ижодкорлик қобилиятларини узлуксиз ривожлантириш бўйича педагогик ва фалсафий изланишлар олиб борилган. Бошланғич синфларда ўқув жараёнини интеграциялаш муаммоси билан эса Р.Мавлонова, Т.Ғаффорова, Ш.Нуруллаева, Х.Санакулов каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Маълумки, креативлик шахс самарали фаолиятини таъминловчи асосий категориялардан бири бўлиб, таълим жараёнига креатив ёндашув ўқувчилар билим ўзлаштириш сифатини уларнинг ижодий фаолияти асосида ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, креативлик - шахсни ривожлантирувчи категория сифатида инсон маънавиятининг ажралмас қисми, шахсни ўз-ўзини ривожлантириш омили, шахсий жонбозликнинг асосидир. У шахс эга бўлган билимларнинг кўп қиррали эканлигида эмас, балки янги ғояларга интилишда ва ўрнатилган стереотипларни янгилик яратиш жараёнини ислоҳ қилиш ва ўзгартиришда, ҳаётий муаммоларни ечиш жараёнида кутилмаган ва ноодатий қарорлар чиқаришда намоён бўлади.

Тадқиқот муаммосига доир изланишлар ҳамда педагогик-психологик қарашлар таҳлили бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технологик таълим жараёнида креатив ёндашувга ўргатиш касбий компетенцияга эга бўлган ёш мутахассисларни тайёрлашда муҳим вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Тезкор ахборотлар алмашинуви, ижтимоий-иқтисодий глобаллашув даврида ўқув материалларининг ҳажми тобора кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқитувчиларнинг таълим жараёнига креатив ёндашувга тайёрлаш муаммосини ҳал этиш педагогик заруриятга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини креатив ёндашув асосида технологик таълимга тайёрлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ёш авлод креатив тафаккурини ўстириш ва уларни креатив фаолиятга тайёрлаш масаласини педагогик муаммо сифатида назарий жиҳатдан асослаш, унинг мазмуни ва хусусиятларини таҳлил қилиш;

технологик таълимга креатив ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари

педагогик шарт-шароитларини аниқлаш асосида бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимда креатив ёндашувга тайёрлаш модели ва методикасини ишлаб чиқиш;

талабаларни креатив ёндашув асосида технологик таълимга тайёрлашни таъминлайдиган таълим шакли, метод ва воситаларини ойдинлаштириш, илмий асослаш ва педагогик тажриба давомида текшириш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технологик таълим жараёнига креатив ёндашувида фойдаланиладиган таълим методлари, шакллари ва воситалари уйғунлигини таъминлаш механизмларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини креатив ёндашув асосида технологик таълимга тайёрлаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини креатив ёндашув асосида технологик таълимга тайёрлаш мазмуни, шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот муаммосини ҳал қилишда эмпирик ва назарий тадқиқот усулларидан фойдаланиб, эмпирик методлар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсини монографик жиҳатдан ўрганиш, таълимга боғлиқ ҳолатларни профессионал педагогик таҳлил қилиш, талабалар фаолиятини кузатиш, ўқитувчи, талабалардан сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовларни амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг креатив компетентлиги ижодий тафаккурнинг таркибий тузилмаси (когнитив, мотивацион, фаолиятга асосланган ва акс эттирувчи) янги муаммоларни аниқлаш, муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топиш ва амалда қўллаш қобилиятида намоён бўладиган шахснинг креатив ва интеграл динамик хусусияти билан алақадорлиги асосида аниқлаштирилган;

бошланғич таълим ихтисослиги талабаларида яратувчанлик, тадқиқотчилик, кашфиётчилик лаёқатини шакллантиришнинг эрудуцион омили ҳамда креативликни шакллантиришда эксплицит (аниқ, кўриш, эшитиш, ҳис қилиш) ва имплицит (яширин) идрокни ривожлантириш бирламчи воситаси эканлиги технология таълимига креатив ёндашув модели асосида очиқ берилган;

талабаларни “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фани таълимида креатив ёндашув фаолиятига тайёрлашда педагогик фаолиятининг ижодий манбаи ва самарали касбий мослашув компонентлари (процессуал, интенсив ва шахсий) амалий, ҳикоялаштириш, сахналаштириш каби интегратив машғулотлар асосида такомиллаштирилган;

талабаларда технология таълимини ўқитишга креатив ёндашувни ривожлантириш оғзаки-мантқиқий ва эмоционал-мажозий фикрлашнинг комбинацияси, ижодкорликнинг когнитив ва шахсий-мотивацион жиҳатларини ривожлантириш витагенлик тажрибасидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Технология ва уни ўқитиш методикаси фанидан амалий машғулотларни креатив-интеграцион ёндашув асосда ташкил этиш олам ҳақидаги тушунчаларни яхлит ҳолда ўзлаштиришга, ташаббускорликка ва тасаввурларни бойитишга хизмат қилиши аниқлаштирилган;

“Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимда креатив ёндашувга тайёрлаш методикаси” номли ўқув қўлланма нашр этирилган;

“1-синф меҳнат дарслари”, “3-синф технология фанини ўқитиш методикаси” номли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Белгиланган тадқиқот мақсади ва вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган маълумотларнинг илмий ва расмий манбалардан олинганлиги, таҳлилларнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосли эканлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг тадқиқот усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахс креатив фаолияти ва интеграцион таълимни ташкил этишга доир илмий қарашлар назарий таҳлиллар асосида тизимлаштирилганлиги, бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини касбий ва касбий-рефлексив тайёргарлик жараёнида технология фанини креатив ташкил этишга ўргатиш методикаси ва модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган методика ва технологиялар олий таълим шароитида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология фанидан ўқитиш методикалари билан таъминланишига, креатив компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда мазкур ҳолатлар таклиф этилаётган моделни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимда креатив ёндашувга тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

бошланғич таълим ихтисослиги бўйича “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг креатив компетентлиги ижодий тафаккурнинг таркибий тузилмаси (когнитив, мотивацион, фаолиятга асосланган ва акс этирувчи) янги муаммоларни аниқлаш, муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топиш ва амалда қўллаш қобилиятида намоён бўладиган шахснинг креатив ва интеграл динамик хусусияти билан алақадорлигига оид хулосаларидан ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 2 мартдаги 184/1-сон маълумотномаси). Натижада талабаларни ижодий коммуникацион мулоқотга кириша олиш, қадриятли муносабатда

бўлиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

технология таълимига креатив ёндашув модели бошланғич таълим ихтисослиги талабаларида яратувчанлик, тадқиқотчилик, кашфиётчилик лаёқатини шакллантиришнинг эрудуцион омили ҳамда креативликни шакллантиришда эксплицит (аниқ; кўриш, эшитиш, ҳис қилиш) ва имплицит (яширин) идрокни ривожлантириш ҳамда “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фани таълимига креатив ёндашув фаолиятига тайёрлашда интегратив машғулотлар асосида соҳага доир педагогик муаммолар ва уларнинг ечимини визуаллаштириш ва инновацион таълим методларини амалиёт жараёнида тизимли қўллашга доир тавсиялар “Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимга креатив ёндашувга тайёрлаш методикаси” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, № 110-64). Натижада бошланғич таълим ихтисослиги талабаларининг технологик таълим бериш жараёнига ижодий-креатив ёндашиш ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларда технология таълимини ўқитишга креатив ёндашувни ривожлантириш оғзаки-мантқиқий ва эмоционал-мажозий фикрлашнинг комбинацияси, интуитивликни, тасаввурни ва ассоциатив алоқаларни фаоллаштириш, шахсий эҳтиёжлар ва қадриятлар билан ўзаро боғлиқлик, ижодкорликнинг когнитив ва шахсий-мотивацион жиҳатларини ривожлантириш талабанинг витагенлик тажрибасидан фойдаланиш асосидаги тавсияларидан “ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 2 мартдаги 184/1-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълим ихтисослиги талабаларининг интегратив билимлардан амалий фаолиятда фойдаланиш кўникмалари ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та хорижий, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 17 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола жумладан, 1 та хорижий журналларда 5 та республика журналларида чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 141 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида технология таълимига тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида шахс креативлиги тушунчасининг моҳияти очиб берилган, ушбу тушунчага доир Шарқ мутафаккирлари, педагог ва психолог олимларнинг илмий ҳамда амалий қарашлари таҳлил қилинган, технология таълимига, хусусан, бошланғич синф технология таълимига креатив ёндашув хусусиятлари ўрганилган, педагогик имкониятлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технология предметини ўқитиш тайёрлашнинг амалиётдаги аҳволи аниқланган.

Шахс ижодкорлиги Шарқ маънавий меросида (Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абдулла Авлоний каби олимлар) етуклик ва камолотга эришишда муҳим хусусият сифатида талқин этилади. Жумладан, маърифатпарвар олимлардан бири Абдулла Авлонинг илм, ижод ва маънавий ва жисмоний комилликка, мақсадга эришмоқликнинг асосий шартларидан бири сифатида саъй ва ғайратни кўрсатадилар. “Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтнинг ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат ўткармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қуввати масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтож бўлмай роҳат-роҳат яшамок лозимдур. Сихатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсудларига етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлуб хорликда қолурлар”².

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик яратиш ҳисобланади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар. Шарқ олимлари эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар. Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар. **Педагогик креативлик** эса педагогик жараённи ташкил этиш давомида

² Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: Ёшлар нашрийёт уйи, 2018. – 20-бет.

ноодатий, ижодий ва маҳсулдор ғояларни яратиш ҳамда улардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Анъанавий ёндашувдан фарқли равишда педагогик жараёнга креатив ёндашув юзага келадиган педагогик муаммоларни ижобий ечимини топишга ҳамда таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида технология таълимига тайёрлаш тизими**” деб номланган иккинчи бобида бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимда креатив ёндашувга ўргатиш модели ишлаб чиқилган ва ушбу модель асосида амалга ошириладиган методик жараён назарий жиҳатдан асосланган.

Бўлажак ўқитувчиларни креатив фаолиятга тайёрлаш борасидаги тадқиқотимиз давомида талабаларни технология фанига технологик ёндашувга тайёрлаш моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (1-расм).

Олий таълим муассаларидаги бўлажак ўқитувчиларни касбий ва касбий-рефлексив тайёргарлиги давомида технология фанини креатив ёндашув асосида ташкил этишга тайёрлаш жараёнини моделлаштиришнинг мақсади қуйидагилар билан ифодаланади:

- ўқувчиларни, ўқитувчиларни ва талабаларни креатив фаолиятга йўллаш;

- шахсда ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятини ўстириш;

- таълим самарадорлигини ва кадрларнинг мослашувчанлигини таъминлаш;

- ўқувчилар ва ўқитувчилар муваффақиятларини кўпайтириш, турмуш сифатини яхшилаш ва бошқалар.

Моделни амалга оширишда қуйидаги *тамойилларга* таянилади:

1) машғулотларнинг ижодий йўналтирилганлиги;

2) маърузаларнинг муаммоли характерга эгалиги;

3) шахс индивидуаллигига эришиш;

4) шахсий имкониятлар ва креативликнинг эркин намоён қила олиши;

5) яхлитлик, изчиллик ва тизимлилик;


6) шахс фаолиятлари интегративлиги.

Бўлажак ўқитувчи креатив фаолиятга касбий ва касбий-рефлексив тайёргарлик жараёни: мақсадли-мотивли, муаммоли, интеграцион, мустақил, индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида амалга оширилади.

Илмий изланишларимиз асосида ишлаб чиқилган модель *касбий* ва *касбий-рефлексив* тайёргарлик жараёнида амалга оширишга мўлжалланган.

Касбий тайёргарлик жараёнида талабаларни креатив ёндашувга тайёрлаш технология фанидан *муаммоли маъруза ва креатив интеграциялашган амалий маишулотларда* ўргатиб борилади.

Касбий-рефлексив тайёргарлик эса бўлажак ўқитувчилар билан умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган *малакавий амалиётлар* жараёнида амалга оширилади.



1- расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини креатив ёндашув асосида технология фанига тайёрлаш модели.

Муаммоли маърузалар мантикий-психологик нуқтаи назардан қуйидаги тузилишга эга:

- муаммоли вазиятнинг юзага келиши ва ўқув муаммосини шакллантириш;

- муаммо ечимига оид таклифларни илгари суриш;

- таклиф ва ғояларни асослаш, исботлар ва ўқув муаммоси ечимини топиш;

- муаммо ечимини тўғрилигини текшириш.

- муаммоли маъруза машғулотларида креатив муҳит яратиш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- муаммо ечими учун зарурий ва етарли шарт-шароит яратиш;

- ўхшаш муаммоларни ҳал этишнинг аввал ўзлаштирилган анъанавий тажрибалардан воз кечиш қобилиятини ривожлантириш;

- буюмнинг кўп функционал жиҳатларини кўра билиш;

- муаммо ечимда турли соҳалардаги қарама-қарши ғояларни ва қарашларни уйғунлаштириш - ассоциацияларни бошқариш.

Тадқиқотимиз давомида “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фанидан муаммоли маърузалар дастури”ни ишлаб чиқдик.

Креатив-интеграцион амалий машғулотларни ташкил этишдан асосий мақсад – талабаларни технология фанини ўқитиш методикасини бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганиш, педагогика ва методик фанлар ҳақида умумлашма хулосалар чиқаришга тайёрлаш ва ушбу асосда талабаларни креатив тафаккурини ўстириш ҳамда креатив муҳит яратишга ўргатишдан иборат.

Интеграциялашган машғулотлар бошқа анъанавий ёндашув асосида ташкил этиладиган машғулотлардан фарқли равишда иштирокчиларда ижодкорликка мотивация уйғотиш, бир тушунчани бир нечта фан соҳалари нуқтаи назаридан ўрганиш, бир нечта фикрий операцияларни бир вақтда амалга ошириш, фанлараро алоқадорликнинг бир нечта усуллари ўргатиш, шахс тафаккурида яхлит табиий ва ижтимоий тушунчалар тизимини ҳосил қилиш ва креатив тафаккурни ривожлантириш каби вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Технология фанидан ташкил этиладиган амалий машғулот турларини тасвирий санъат, бадиий адабиёт, математика, табиатшунослик каби фанлар билан интеграциялаш асосида ташкил этилиши талабалар креативлиги ва касбий компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Масалан, технология фанини бадиий адабиёт ва математика билан интеграциялаб ўқитишда ўқитувчи қоғоз билан ишлаш давомида иш турига мос эртак айтиб боради. Эртак мазмунини машғулот мазмунига мос ҳолда ўзгартириши, ривожлантириши, қахрамонлар нутқи ва ҳаракатига ижодий ўзгартиришлар киритиши мумкин бўлади. Шунингдек, эртак мазмунига математик жумбоқларни ҳам киритиши мумкин.

Технология фанини ўқитиш методикаси фанидан амалий машғулотларни креатив-интеграцион асосда режалаштириш ва ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидаги шартларга амал қилиши лозим бўлади:

– бир нечта фанларни интеграциялаш учун асосий мақсад ва асосий фан аниқ бўлиш лозим;

– амалий машғулотда бериладиган топшириқлар талабаларнинг эркин, мустақил ва ижодий фаолият юритишларига имкон берадиган қилиб тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

– ўқитувчининг машғулот давомидаги фаоллиги талабаларни турли фаолият турларини интеграциялашга рағбатлантириши, кейинги фаолият турлари учун мотив уйғотиши керак;

– талабалар бир машғулот давомида бир қанча фаолият турларини амалга оширишлари талаб этилиши лозим;

– талабаларнинг ижодкорлиги, мустақил фаолияти асосида ишлаб чиққан янги гоё ёки таклифлари рағбалантирилиши жуда муҳим.

Технология ва уни ўқитиш методикаси фанидан ўқитилиши ўқув дастурида белгиланган амалий машғулотлардан креатив-интеграцион асосда ташкил этилиши лозим бўлган амалий машғулот мавзуларини танлаб олиб, тадқиқотимиз давомида ишлаб чиққан “Технология ва уни ўқитиш методикаси фанидан креатив-интеграцион амалий машғулотлар дастури” ни ишлаб чиқдик.

Бирор бир жараёни самарали йўлга қўйишни хоҳлаган ҳар қандай инсон ўз фаолиятини таҳлил қилади, олиб борган ишлари хусусида мулоҳаза юритади, ушбу жараёндаги ўз ҳиссаси ёки имкониятларини таҳлил қилади. Айнан мушоҳада юритишнинг ушбу шакли рефлексия ҳисобланади. Демак, ўқитувчи ҳам ўз педагогик фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб бориши тақозо этилади. Рефлексияга тайёргарлик эса олий таълим муассасаларидаги касбий тайёргарлик, хусусан, педагогик амалиёт жараёнида амалга ошириб борилади. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак мутахассиснинг педагогик, методик ва технологик тайёргарлиги методист ўқитувчилар, талабалар ва ўзи томонидан таҳлил қилиб борилади.

Касбий-рефлексив тайёргарлик малакавий амалиёт давомидаги ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш жараёнида шаклланиб боради. Яъни малакавий амалиёт давомида юритиладиган асосий иш ҳужжатларидан бири бўлмиш амалиёт кундалиги ўз кунлик фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг энг оптимал йўли ҳисобланади. Касбий-рефлексив тайёргарликда муҳим бўлган яна бир кўрсаткич бу ўқув-тарбиявий жараённинг мониторинги бўлиб, у педагогик жараёнда кўзланган мақсадга эришилганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Педагогик амалиёт талабанинг ўз-ўзини касбий тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам педагогик амалиётга тайёргарлик жараёнида ҳар бир талаба педагогик тафаккурнинг шаклланиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши шарт.

Педагогик амалиёт чоғида касбий рефлексияни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ва унинг ўзига хос жиҳатлари мавжуддир.

Педагогик рефлексия белгиларига қуйидагилар киради:

1. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар учун ўқув материали тушунарли бўлганлигини англаса, улар учун оптимал усулда, шахсиятига тегишган ҳолда баён қила олади.

2. Ўқитувчи саволлар, қоидалар, фикрлар, муаммоларни ўқувчиларнинг барчаси учун тушунарли вариантларда шакллантиради.

3. Агарда ўқитувчи дарс жараёнида хатога йўл қўйса, хатоларини тузатади ва ушбу хатонинг ўқувчиларга таъсири оқибатини англаган ҳолда, хатосини ўз вақтида тўғрилайди ва ўқувчилардан кечирим сўрайди.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида дарсда фаол қатнашган ўқувчиларга миннатдорчилик билдиради.

5. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини кузатади, уларнинг суст ҳаракатларини оптимал усулда баён этади. Масалан, “Бугун негадир сиз суст ҳаракат қиляпсиз, негадир ҳамма мен билан баробар ишламаяпти...”.

6. Ўқитувчи нутқ тонини, темпини, ритмини ва диапазонини ўқувчилар интизоми, ҳолатига қараб ўзгартиради: баланд кўтаради, пасайтиради, тезлашади, таъкидлаш оҳангида айтади.

7. Ўқитувчи нутқ самарадорлигини ошириш ёки таъсирини кучайтириш мақсадида имо-ишоралардан ўринли ва самарали фойдаланади.

Амалиётчи талаба томанидан танланган индивидуал мақсад ва вазифалар асосида амалиётчи талаба “Касбий-рефлексив ривожлантириш индивидуал дастури”ни тузади.

Амалиётчи талабалар ўзида касбий-рефлексив сифатларни шакллантиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади.

Диссертациянинг учунчи боби “**Тадқиқот муаммосига доир тажриба-синов ишлари самарадорлиги**” деб номланган. Ушбу бобда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методикани педагогик эксперимент давомида синовдан ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш ишлари баён этилган.

Тадқиқот ишининг навбатдаги босқичида тадқиқот натижаларининг самарадорлигини аниқлаш учун шакллантирувчи тажриба ўтказдик.

Тажриба-синов ишлари учун белгиланган вазифаларни амалга оширишда бўлажак ўқитувчиларда креатив сифатларнинг шаклланганлик мезонлари сифатида қўйидагиларни танлаб олдик:

Равонлик – тафаккурининг тезкорлиги, саволларга тез, тўғри ва тушунарли жавоб топа олиш ҳамда ижодий ёндашув билан белгиланади.

Мослашувчанлик – мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана билиш ва янги вазиятларга мослашувчанликни англади.

Оригиналлик - тафаккурнинг бойлиги ва ғояларнинг ўзига хослиги, жавобларнинг бетакрорлигини билдиради.

Қизиқувчанлик – янгиликларга интилиш, муаммонинг ечимини топишга бўлган кучли интилиш, изланувчанлик билан белгиланади.

Тасаввурнинг бойлиги – фойдаланиладиган предметлар устида ўзига хос изланишлар олиб бориш, ривожлантириш, фантазия имкониятларидан кенг фойдалана олиш каби сифатлар орқали аниқланади.

Биринчи босқичда тажриба тадқиқоти учун иккита гуруҳ танланди. Бунда тажриба объекти сифатида танлаган ҳар бир олий ўқув юртидан

биттадан жами 4 та гуруҳ талабалари танлаб олинди. Ушбу гуруҳлар тажриба гуруҳи сифатида белгилаб олинди ва уларда “Технология ва уни ўқитиш методикаси” фанидан маъруза ва амалий машғулотлар тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методика асосида ташкил этилди.

Тажриба аввалида иштирокчиларининг жавоблари таҳлил қилиб борилди. Олинган натижаларга кўра тажриба ва назорат гуруҳларида натижалар деярли бир хил бўлиб чиқди.

Олдимизга қўйган вазифанинг шартларини бажариш учун тажриба ва назорат гуруҳларида тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методика асосида муаммоли маърузалар, креатив-интеграцион амалий машғулотлар ўтказилди.

Бундан ташқари тажриба гуруҳи талабалари дарсдан ташқари жараёнда “Креатив педагог” тўғарагига жалб этилди. Талабалар тўғарак машғулотлари давомида технология машғулоти дастуридаги мавзуларни бадиий адабиёт билан интеграциялашни машқ қилдилар. Бундай тўғарак машғулоти талабаларда жуда катта қизиқиш уйғотиб, кейинги машғулотлар давомида технология фанини математика, атрофимиздаги олам ёки тасвирий санъат каби фанлар билан интеграциялашни ҳам машқ қилишни бошладилар. Асосийси, иш жараёни барча учун жуда қизиқарли бўлиб, талабалар технология фанидан тайёрланиши лозим бўлган буюмларга ҳам ижодий ўзгаришлар киритишни бошладилар.

Ташкил этилган ушбу педагогик ишлар, назарий ва амалий машғулотлар якунида олинган натижалар тажриба-синов ишларининг биринчи босқичидаги талабаларнинг жавоблари билан таққосланди.

1-жадвал

Талабаларнинг технология фанига креатив ёндашувга тайёргарлик даражаси

Талабалар сони <i>n=349</i>	Юқори даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	Наз. Гуруҳи	Таж. Гуруҳи	Наз. Гуруҳи	Таж. гуруҳи	Наз. Гуруҳи	Таж. гуруҳи
Сони	26/34	24/42	70/92	60/100	73/52	86/39
Фоиз ҳисобида	14,8/18	13,4/22,3	42/53	35,4/56,5	43,2/29	51,2/21,2

Изоҳ: каср суръатида тажриба бошидаги, махражсида тажриба якунидаги рақамлар келтирилган

2-жадвал

Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини технологик таълимга креатив ёндашувга тайёргарлик даражаси

Гуруҳлар	Топширикни бажарган талабалар сони		
